

УМУМИНСОНИЙ ҒОЯ ВА МИЛЛИЙ ЎЗИГА ХОСЛИК

А.А.Қаюмов

Аннотация

Мақолада ўзбек адабиётида миллийлик масаласининг ўрганилиш босқичлари ва бу тушунчага мустақилликдан кейинги қарашлар таҳлил қилинган.

Аннотация

В статье анализируются этапы изучения проблемы национального своеобразия узбекской литературы и научные взгляды после приобретения независимости.

Annotation

This article analyses the study levels of the issues of the nationality in the Uzbek literature and views on this notion after independence.

Таянч сўз ва иборалар: миллийлик, умуминсонийлик, миллий ғурур, миллий характер, миллий руҳият, миллий қадрият, миллат.

Ключевые слова и выражения: национальное, своеобразие, общечеловечность, национальная гордость, национальный характер, национальный психологизм, почтение, нация.

Key words and word expressions: the state of nationality, humanity, national pride, national character, national psychology, national value, nation.

Миллийлик ва умуминсонийлик масаласи жаҳон адабиётшунослигида ғоят муҳим, долзарб муаммолардан бири бўлиб, ҳар доим тадқиқотчиларнинг диққатини тортиб келган. Бу мавзу ўтган аср ўзбек адабиётшунослигида ҳам маълум даражада ўрганилган. Бироқ мазкур муаммолар тарихий-сиёсий сабабларга кўра тўла таҳлил этилмаган. Чунки собиқ совет тузуми миллийлик масаласини ҳаққоний, чуқур тадқиқ қилишга турли йўллар билан тўсқинлик қилар эди. Шу боисдан олиб борилган илмий изланишларда бир ёқламалик юзага келган. Тадқиқотчилар миллий характерни фақат қадимий урф-одат ва анъаналар билангина чеклашга мажбур бўлганлар. Эски урф-одат ва кўникмаларни енгиб ўтишни эса умуминсонийлик деб тушунадилар. О.Тоғаев, Н.Владимироваларнинг ишларида ҳам шундай қарашлар мавжуд. Масалан, Н.Владимирова Саид Аҳмаднинг “Мастонбиби” ҳикоясини таҳлил қилар экан қуйидаги парчани келтиради:

“Эрининг саволига Мастонбиби хўрсиниб олгач, йиғи аралаш жавоб берди: “Қосимжонгинам тушимга кирибди. Нариги бригаданинг ғўзаларига олтингугурт сепиб юрган эмиш ... Шунга озроқ худойи қилган эдим”.

Бу тасвирни миллийлик ва умуминсонийлик масаласи нуқтаи назардан баҳолашда муаллиф “Мастонбиби эри олдида ноқулай аҳволга тушиб қолади. Биринчидан, худойи қилиш қолиб кетган. Иккинчидан, бу ишни ундан яшириқча қилган. Шунда Мастонбиби, миллатидан қатъий назар, барча аёлларга хос ишни қилади: хўрсиниб, йиғламсираб

гапиради. Албатта, эри ўшасиз ҳам ўзини йўқотиб қўйган хотинини сўкмайди. Таъбир жоиз бўлса, Мастонбибининг бу хусусияти барча аёлларга хос интернационал хислатдир” [1.151] деган хулосага келади. Кўринадики, олима Мастонбибининг эридан яширинча худойи қилмоқчилигини миллийлик, барча аёлларга хос бўлган хўрсиниш, йиғламсираб гапиришини умуминсонийлик деб баҳолайди. Бундай ёндашиш масалага жуда тор қаралганлигидан далолат беради. Шундай қилиб, собиқ совет тузуми даврида қилинган ишларнинг аксариятида умуминсонийлик барча янги нарсалар билан тенглаштирилса, миллийлик қадимги урф-одатлар, анъаналар билан боғлиқ ҳолдагина талқин этилган. Масалан, 1984 йилда нашр этилган “Ҳозирги ўзбек адабиётининг миллий ўзига хослиги” [2.1] номли мақолалар тўпламида “ҳозирги ўзбек совет адабиётининг миллий ўзига хослиги”ни ўрганиш асосий мақсад қилиб олинган бўлса-да, ундаги саксон фоиздан ортиқ мақолада миллий ўзига хослик, миллийлик каби атамалар учрамайди. Борларида ҳам бирёқламалик ёки нотўғри талқинлар мавжуд. Кўпгина ўринларда “миллий” сўзи “ўзбек адабиёти” маъносида қўлланган. Бошқача айтганда, мақолаларнинг ҳар жой ҳар жойига “миллий” сўзи “суқиб” қўйилганга ўхшайди.

Мазкур тўпلامда адабиётшунос Раъно Иброҳимова Х.Тўхтабоевнинг “Қасоскорнинг олтин боши” тарихий саргузашт романидаги миллийлик, услубий изланишлар хусусида сўз

А.А.Қаюмов – ФарДУўзбек тили ва адабиёти кафедрасининг катта илмий ходим-изланувчиси.

юритади ва мақола сўнггида миллийлик ҳақида қуйидаги тўғри фикрни илғари суради: “Асардаги миллийлик ўзига хос мавзу, колорит, пейзаж, қаҳрамонларнинг кийими тасвирида, ёзувчи томонидан ишлатилган ҳар бир чизгида, ҳатто, диалог, мақол, ўхшатишларда ўз ифодасини топиш билан бир қаторда, қаҳрамонлар характери талқинида ҳам ўз ифодасини топган. Бу компонентларнинг ҳар бири ўз навбатида даврни характерлашга ёрдам берган” [2.184]. Бироқ мақоланинг бирор жойида “мавзу, колорит, пейзаж, кийим, ҳар бир чизги, диалог, мақол, ўхшатиш”лар мисоллар ёрдамида таҳлил қилинмаган. Роман услубий жиҳатдан ўрганилган, холос.

Кейинги даврларда адабиётшунослар И.Султон, О.Шарафиддинов, А.Раҳимов, Т.Бобоев, Э.Худойбердиев, Д.Қуроно, И.Солижоновларнинг илмий тадқиқотлари ва дарсликларида бу масалага оид бир қатор тўғри фикрлар берилди. Олимлар томонидан масаланинг туб моҳиятини очиб берадиган таърифлар, қоидалар яратилди.

Адабиётшунос олим И.Султон миллийлик ва умуминсонийликни бирор халққа хос хусусиятлар ҳамда бутун инсониятни қизиқтирган умумий масалалар сифатида баҳолайди: “... ёзувчи ўз халқи ҳаётида майдонга келган жуда муҳим ижтимоий, психологик ва ахлоқий муаммоларни бутун аниқлиги билан ёритганда, унинг асари миллий мазмун касб этади; шу билан бирга, ёзувчи тасвирининг марказида турган нарса – одам бўлгани туфайли, асар мазмуни дунёдаги ҳамма кишиларни қизиқтирадиган умумий масалаларни қамраб олади” [3.48].

Миллийликка чуқур илмий нуқтаи-назар билан ёндашиш 1980 йилларга келиб бошланди. Хусусан, таниқли адабиётшунос Азим Раҳимов ўзининг номзодлик диссертациясида миллийлик ва умуминсонийлик масаласини кенг таҳлил этади. Олим ўзига қилинган илмий ишлар, чоп этилган мақолалардаги ютуқ ва камчиликларни батафсил ўрганиб, қуйидаги хулосаларга келади: “Умуминсонийлик миллийликдан ажралган нарса эмас. Миллийликдаги барча яхши нарсалар умуминсонийликдир. Умуминсонийлик миллийликнинг моҳияти бўлиб, ундан ўсиб чиқади” [4.150].

Мустақилликка эришганимиздан сўнг миллийлик масаласини ҳаққоний ўрганишга кенг йўл очилди. Ёзувчи-шоирларимиз, адабиётшуносларимиз бадий асарларнинг миллий хусусиятлари тўғрисидаги назарий фикрларини эркин билдира бошладилар. Ёзувчи Тохир Малик миллийлик ҳақида сўз юритиб, шундай дейди: “Асарнинг ҳам вужуди, қалби бўлади. Унинг миллийлик даражасини

айнан шу қалб белгилайди” [5]. Адабиётшунос олим, профессор И.Солижонов бу масалани қуйидагича баҳолайди: “Адабиёт ижтимоий борлиқдаги миллий, айна пайтда умуминсоний қадриятларни юксак бадий шаклларда ифодалаши табиийдир. Миллийлик ва умуминсонийликнинг эстетик категория сифатидаги моҳиятини тўғри англамай туриб, бадий адабиётнинг умумий қонуниятларини, ўзига хослигини, ижтимоий-эстетик вазифаларини, бинобарин, ҳаёт билан адабиёт ўртасидаги диалектик муносабатни тушуниш мумкин эмас” [6.30].

Миллийликнинг гоҳ ўзгариб, такомиллашиб ёки емирилиб бориши мумкинлиги тўғрисида фикр юритар экан, тадқиқотчи Т.Шермуродов бошқа халқларнинг ўзаро таъсири натижасида ҳам миллийликда ривожланишлар бўлиши мумкинлигини таъкидлайди: “Халқ мавжуд ва доим ҳаракатда, меҳнатда, курашда, бошқа эл-юртлар билан қандайдир муносабатда экан, унинг ўзигагина оид хислатлар, одатлар, туйғулар, хулқ-атвор ҳам кўникмалар тўхтовсиз ривож топа боради” [7].

Дарҳақиқат, бу ўзгаришлар тезда содир бўладиган ҳодиса эмас. Узоқ тарихий тараққиёт давомида ва табиий, ижтимоий, иқтисодий, сиёсий таъсирлар натижасида айрим миллий хусусиятлар пайдо бўлиши мумкин. Хусусан, халқимизнинг руслар босқинига қадар (Отабек, Анвар), собиқ совет тузуми давридаги (Жўра, Музаффар) ва мустақиллик давридаги (Юсуф, Озод¹) ҳаёти ёритилган асарлардаги образлар қиёсида ҳам бу фарқлар кузатилади.

Мустақилликнинг дастлабки йилларида айтилган миллийлик ҳақидаги фикрларда умумийлик кузатилган бўлса, кейинги йилларда бу масала чуқурроқ ўрганила бошланди. Масалан, профессор Наим Каримов “Ўзбек адабиётшунослигининг янги босқичи” мақоласида мустақилликкача бўлган адабий асарлардан янги босқич (мустақиллик йиллари) даги асарларнинг 7 хил фарқини кўрсатади. Шулардан бири – миллийлик “янги ўзбек адабиёти тараққиётининг асосий тамойиллари сифатида эътироф этилди ва адабиётшунослар адабиёт тарихи ҳамда адабий жараён фактларига шу меъёрлар асосида ёндаша бошладилар” дея баҳо беради [8.14].

Иброҳим Ғафуров эса “Миллатнинг биллурланиши” [9.6] номли мақоласида миллат, миллий онг, миллатпарварлик каби тушунчалар мазмунига алоҳида тўхталиб ўтади. Ўзбек халқининг миллат сифатида

¹Асар қаҳрамонлари: Отабек – А.Қодирий “Ўткан кунлар”, Анвар – А.Қодирий “Меҳробдан чаён”, Жўра – Ғ.Ғулом “Ёдгор”, Музаффар – Ў.Ҳошимов “Икки эшик ораси”, Юсуф – У.Ҳамдам “Мувозанат”, Озод – И.Султон “Озод”.

АДАБИЁТШУНОСЛИК

шаклланиш жараёни, миллатпарвар адиблар ва арбоблар ижоди ҳамда ижтимоий фаолиятидаги миллийлик қирралари кенг таҳлил қилинади. Шунингдек, олимнинг “Жонимдаги миллий ғурур” мақоласида миллий туйғулар, миллий ғурурнинг инсон ҳаётидаги, жамиятдаги ўрни, айнан бугунги кундаги аҳамияти масаласи таҳлил қилинган. [10.4]

Тадқиқотчи Абубакир Ўразов миллий қадриятларнинг бадиий асарлардаги талқинига бағишланган мақоласида Тоғай Мурод қаламига мансуб “От кишнаган оқшом” қиссасида от образи, чавандозлик санъати ёрдамида ўзбек халқига хос бўлган қадимий анъаналар, одатлар, мусобақалар қай даражада тасвирланганлиги ҳақида фикр юритади. Асарга “унутилишга мажбур қилинган миллий қадриятлар, уларни инсонлар қай даражада эъзозлашлари, ҳар бир қадрият ўз замирида халқнинг миллийлигини яширганлигини ҳам ёритиб бера олган” [11.61] деб баҳо берилади.

“Бугунги насрнинг хусусияти ва тамойиллари” масаласида сўз юритган адабиётшунос Ҳ.Каримов миллийликнинг асл моҳиятини руҳиятдан излайди. Жумладан, “бадиий адабиётда миллийлик деганда, аксарият адабиётшунослар бунини урф-одатда, миллий либосда, фаолиятда, саъй-ҳаракатда, нутқда кўришади.... Лекин мазкур восита ва омиллар ўзида миллийликни тўлиқ ифода қилади, деб бўлмайди. Чунки булар миллийликнинг зоҳирий кўринишларидир... Миллийлик биринчи навбатда, руҳиятда ўз муҳассамини топади. Миллийликни белгилайдиган бошқа хусусиятларнинг барчаси унга боғлиқ, ундан келиб чиқади. Руҳият эса инсоннинг табиатини ва ўзлигини

белгилайдиган илоҳий куч, маънавий озиқдир” [12]. Миллийликка бундай қараш тўғри ҳисобланади. Дарҳақиқат, инсоннинг ички олами, ундаги психологик, руҳий ҳолатлар шахс ўзлигини кўрсатувчи асосий омиллар ҳисобланади.

Миллийлик ва умуминсонийлик масаласига алоҳида эътибор қаратиш XX аср бошларида бошланган бўлса-да, сиёсий таъйиқлар туфайли бунга йўл қўйилмади. 80-йиллардаги адабий жараён, олимлар, танқидчилар жасорати бу масалани яна кун тартибига қўйди. Шундан буён миллийлик бадиий меъёрлардан бири сифатида ўзбек адабиётида ўз ўрнига эга бўлиб келмоқда. Бу тушунчага оид назарий таърифлар ишлаб чиқилган. Юқоридаги фикрларни умумлаштирган ҳолда айтиш мумкинки, бадиий асардаги миллийлик халқ руҳияти, дунёқараши, характеридан келиб чиққан ҳолда воқеа, детал, пейзаж, урф-одат, нутқ ва ҳоказоларни шакллантиришдир. Миллийлик асар бошидан сўнгги нуқтасигача мавжуд бўлади. Ҳаттоки, нутқ жараёнидаги оҳанг, товуш ва тиниш белгилари ҳам миллий хусусиятларни очиб беришга хизмат қилиши мумкин.

Минг йиллар давомида шаклланган маросимларни, урф-одатларни ҳар томонлама чуқур таҳлил қилиб, саралаб ҳаётий чизгиларда ишонарли тарзда тасвирлаган, халқимиз дунёқараши, руҳиятида қадимдан ривож топиб келаётган, шоирлар, ёзувчилар, тасаввуфий ҳамда ҳадисшунос олимлар томонидан янада такомиллаштирилган ахлоқ нормаларидаги ўзига хос хусусиятлар билан бойитилган бадиий асарларни миллийлик нуқтаи назардан ўрганиш бугун ва эртанинг долзарб масалаларидан бири ҳисобланади.

Адабиётлар:

1. Владимирова Н. “Звезда Востока”, № 6, 1970.
2. Ҳозирги ўзбек адабиётининг миллий ўзига хослиги. Тўплам. – Т.: Фан, 1984.
3. Султонов И. Адабиёт назарияси. – Т.: Ўқитувчи, 2005.
4. Сафо О., Раҳимов А. Замин ва замон садолари. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1985.
5. Тохир Малик. Ибрат мактаби. ЎзАС. 2003 йил, 37-38-сон.
6. Солижонов Й. Йўлдош Сулаймон ижодида миллий характер ифодаси. “ФарДУ. Илмий хабарлар - Научный вестник. ФерГУ. 1-сон. 2004.
7. e-adabiyot.uz/adabiyotshunoslik/adabiy-suhbatlar/546-maqola.
8. Каримов Н. Ўзбек адабиётшунослигининг янги босқичи. – Ўзбек тили ва адабиёти. – Т., 2011 йил, 3-сон.
9. Ғафуров И. Мангу латофат: Бадиалар, рисоалар: 2-китоб. – Т.: Шарқ, 2008.
10. Ғафуров И. Жонимдаги миллий ғурур. – “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетаси. 2016 йил 15 июль.
11. Ўразов А. “От кишнаган оқшом” қиссасида миллий қадриятлар талқини. – Ўзбек тили ва адабиёти. 2011 йил, 4-сон.
12. sharqyulduzi.uz

(Тақризчи: Й.Солижонов, филология фанлари дотори, профессор).